ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ ХУРШИД ХАМИДОВИЧ

ЮҚОРИ ВАКУУМЛИ ЧАНГЛАТИШ ВА ИОН ИМПЛАНТАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН Si СИРТИДА ОЛИНГАН НАНОСТРУКТУРАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ВА ОПТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

01.04.04 - Физик электроника

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УДК 535.371:535.016:538.975

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences)

Болтаев Хуршид Хамидович
Юқори вакуумли чанглатиш ва ион имплантация усули билан Si сиртида олинган наноструктураларнинг электрон ва оптик хусусиятлари …….....…… 3

Болтаев Хуршид Хамидович
Электронные и оптические свойства наноструктур, созданных на поверхности Si методами высоко вакуумного напыления и ионной имплантации ……..... 21

Boltaev Khurshid Khamidovich
Electronic and optical properties of nanostructures created on the Si surface by high vacuum deposition and ion implantation …… 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 42

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ ХУРШИД ХАМИДОВИЧ

ЮҚОРИ ВАКУУМЛИ ЧАНГЛАТИШ ВА ИОН ИМПЛАНТАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН Si СИРТИДА ОЛИНГАН НАНОСТРУКТУРАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ВА ОПТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

01.04.04 - Физик электроника

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM243 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iplt.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ташмухаммедова Дилноза Артикбаевна** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий опоннентлар:	**Исаханов Зинаобидин Абилпейзович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
	Рахмонов Ганибай Таджиевич физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил « 28 » 05 соат 16^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (99871) 262-31-69.)

Диссертация автореферати 2021 йил « 12 » 05 куни тарқатилди.

(2021 йил « 12 » 05 даги 6 рақамли реестр баённомаси)

Х.Б.Ашуров
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

И.Д.Ядгаров
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда ярим ўтказгичли ва диэлектрик плёнкалар сиртидаги наноўлчамли структуралар хусусиятлари жадал ўрганилмоқда. Наноўлчамли соҳада нанокристаллар ўлчамини камайиши сезиларли равишда унинг электрон ва кристалл структурасини ўзгаришига олиб келади. Хусусан, кремнийли квант нуқталарининг таъқиқланган зона кенглиги кристалл ҳолатдаги кремний таъқиқланган зона кенглигидан икки марта катта бўлади. Ушбу параметрларнинг ўзгариши ўртасидаги ўзаро боғланишини аниқлаш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Нанокристаллар ва наноплёнкалар ҳосил қилишнинг замонавий усулларидан бири кичик энергияли ионлар имплантацияси усулидир. Бу жиҳатдан турли усулларда кремний асосида наноўлчамли структуралар ҳосил қилиш ва уларнинг таркиби, электрон ва кристалл тузилиши, электр ва оптик хусусиятларини ўрганиш замонавий физик электрониканинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда Республикамизда сирт физикаси ва физик электрониканинг долзарб муаммолари, микро- ва наноэлектроника курилмаларини ривожлантиришда наноўлчамли структураларни олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари фаол олиб борилмоқда. Актив металл ионлари билан имплантация қилиниб, хусусияти ўзгартирилган Si поли- ва монокристалини кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилди. Шунингдек, термодиффузияда кремний сиртида олинган Ва ва Pd наноўлчамли силицид қатламлари шаклланишининг физик механизми ва қонуниятлари тадқиқ қилинди.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида[1]” Фармонида белгиланган вазифаларга мос келади.

Диссертация бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар 2015 йил 15 декабрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги № ПФ-1442 сонли, 2017 йил 7 февралдаги “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича кейинги чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПФ-4947 сонли Президент Фармонини, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-2789 сонли, 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича тезкор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4422-сонли

[1] 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Президент Қарорини, шунингдек, Республикада сўнгги йилларда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларга киритилган вазифаларни бажаришда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» ва II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Берилган физик хусусиятларга эга наноструктурани ҳосил қилиш муаммоси устида дунёнинг етук олимлари ишламоқдалар. АҚШ олимлари W.Theis ва R.M.Tromplар Si(001) сирти топографиясини 650 ºС ҳароратда гомоэпитаксиал ўсиш вақтида тадқиқ қилишди ва “таянч” оролчалар сиртида ўзак зичлиги профилини аниқлашди. Рус олимлари С.В.Ситников ва бошқалар Si(111)нинг ультратекис сиртида иккиўлчамли оролчалар вужудга келиши жараёнини ўрганишди, А.М.Мизеров ва бошқалар экспериментал равишда Si(111) таглигида GaN эпитаксияси учун оптимал бошланғич шароитларни ўрганишди.

Япониялик K.Nakagava, M.Miyao ва Y.Shirakiлар кремнийда молекуляр нурли эпитаксия (МНЭ) усулида сегрегация қилинган сурма ва галлий атомларини таглик ориентациясига боғлиқлигини тадқиқ қилишди. МНЭ усулида ўстириш вақтида легирланган киришма атомлари ўсувчи қатламга қисман киритилган, қолдиқлар эса сирт бўйлаб тақсимланади. Сурма ва галлий учун фаоллашув энергиялари мос равишда 0,75 эВ ва 0,45 эВ. Улар бир хил фаоллашув энергияларига эга бўлсада, Si(111) га қўшилиш коэффициентлари иккала атомларнинг легирловчи киритмалари Si(100) дан ўн баробар катта. Ушбу натижалар сирт миграцияси модели билан яхши тушунтирилади.

Сўнгги 10-15 йил ичида физика-математика фанлари доктори, профессор Б.Е.Умирзаков раҳбарлиги остида Тошкент давлат техника университетида турли табиатли материаллар асосида наноўлчамли структураларни олиш ва уларнинг электрон хусусиятларини ўрганишга қаратилган интенсив тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида ионларни имплантация қилиш, ўта юқори вакуумли ўтказиш ва термодиффузия усулларидан фойдаланган ҳолда Mo, Si, GaAs, CaF_2 ва SiO_2 сирти ва сирт ости соҳаларида наноўлчамли кристалл фазалар ва плёнкалар яратилган.

Бироқ, бугунги кунга қадар Si асосида кўп компонентли наноўлчамли структуралар олиш учун самарали усул ишлаб чиқилмаган, Si сиртининг электрон тузилиши унинг ўтказувчанлик турига ва кристаллографик йўналишларига боғлиқлиги кам ўрганилган, кремнийда термодиффузия асосида палладий ва барий силицидларининг шаклланиш қонуниятлари

деярли ўрганилмаган, квант ўлчамли эффектларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатадиган силицидли наноструктураларнинг критик ўлчамлари етарлича ўрганилмаган. Замонавий физик электроника ва электрон асбобсозликнинг ушбу долзарб муаммолари асосида диссертациянинг мақсад ва вазифалари аниқланди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари тематик режасининг № ЁФ2-02 “Турли табиатли монокристалл материаларнинг таркибини ва сиртдаги киришма атомларнинг жойлашув ўрнини аниқлаш” (2012-2013); № ЁФ-2-6 “Ўта сезгир фотоэлементлар, жумладан қуёш элементларини тайёрлашда қўлланиладиган материалларни таркибини ва физик хусусиятларини электрон спектроскопия усулларида ўрганиш” (2014-2015); № ОТ-Ф2-53 “A^3B^5 ва A^2B^6 пленкаларнинг сирти ва сирт ости соҳаларида ҳосил қилинган икки қатламли наноўлчамли тизимларнинг квант ўлчамли эффектлари ва электрон хоссалари” (2017-2020) фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори вакуумли чанглатиш, термодиффузия ва ион имплантация ёрдамида кремний юзасида наноўлчамли фаза ва плёнка олиш, уларнинг электрон ва оптик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кремний валент зонасидаги электронлар ҳолатининг зичлигига ўтказувчанлик тури ва кристаллографик йўналишнинг таъсирини ўрганиш;

кремнийда палладий ва барий термодиффузияси вақтида Pd ва Ba силицидларининг вужудга келиш қонуниятларини ўрганиш;

қиздириш ва ион имплантация натижасида ҳосил бўлган металл силицидининг морфологияси, таркиби, кристалл тузилиши ва электрон хусусиятларини ўрганиш;

силицид наноструктураларда квант ўлчамли эффектлар ҳосил бўлишини ўрганиш;

атомлар чангланиши ва ион бомбардимонининг қуёш элементлари ва диодли структураларда ишлатиладиган Si да O ва K киришма атомларининг чуқурлик бўйича профилли тақсимланишига таъсирини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объектлари монокристалл Si, Si ва Al плёнка намуналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ион имплантацияси ва юқори вакуумли термодиффузия вақтида кремний юзасида нанокристаллар ва наноплёнкалар вужудга келишининг физикавий механизмлари ва қонуниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Оже-электрон спектроскопия (ОЭС), тез электронларнинг дифракцияси (ТЭД), растрли электрон микроскопия (РЭМ), ультрабинафша фотоэлектрон спектроскопияси (УБЭС), эластик қайтган электрон спектроскопияси (ЭҚЭС), энергиясини характерли йўқотган электронлар спектроскопияси (ЭХЭЙС).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

n- ва p-тип кремнийнинг валент электронлари зичлиги ҳолати максимумларининг ўрни ва шакли бир-биридан кескин фарқ қилиши кўрсатилган. Валент электронларининг ҳолат зичлиги монокристалларнинг кристаллографик йўналишларига ҳам боғлиқ, аммо ҳар хил қирралар учун айрим максимумларнинг ўрни бир-бири билан тахминан мос келиши аниқланган;

Si сиртига Pd атомлари адсорбцияланганда уларнинг чегарасида қуйи силицириднинг ўта юпқа плёнкасининг шаклланиши кўрсатилган. Pd нинг Si га термодиффизуяси силицид плёнкаси орқали рўй беради ва T=1050-1100 K да гексогонал панжарали бир жинсли Pd_2Si монокристалл плёнкаси шаклланади. Ba-Si тизимида эса Si нинг Ba га ва Ba нинг Si га ўзаро диффузияси туфайли Ba силициди ҳосил бўлади ва T=1100 K ҳароратда кубик панжарали $BaSi_2$ плёнкаси шаклланиши аниқланган;

илк бор монокристалл кремний сиртида ҳосил қилинган $MeSi_2$ нанокристаллар ва наноплёнкаларнинг сирт морфологияси, таркиби, кристалл ва электрон структуралари ўрганилди. $MeSi_2$ тизимининг тўлиқ кристалланиш ҳароратининг ионлар дозаси ва энергиясига ўзаро боғлиқлиги аниқланди;

металл силицид наноструктурани олиш усули таклиф қилинди, илк бор квант ўлчамли эффектлар вужудга келадиган наноплёнкалар қалинлиги ва нанокристалл фаза ўлчамлари аниқланди;

илк бор термодиффузия ва ион имплантацияси усулларида ҳосил қилинган $MeSi_2$-Si тизимида кислород киришма атомларининг чуқурлик бўйича профили ўрганилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кремний сиртини 0,5 дан 5 кэВ энергияли металл ионлари билан нурлантирилиш ва кейинги 1200 К гача бўлган ҳароратда қиздириш йўли билан металл силицид наноструктураларини олиш усули ишлаб чиқилган;

термодиффузия ва ион имплантация усуллари ёрдамида металл силицириднинг наноўлчамли пленкалари олишнинг мақбул шартлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий илмий ва эксперимантал усуллардан, тажрибаларнинг зарур статистикасидан, мустақил ўлчаш ва маълумотларни қайта ишлаш техникаларидан фойдаланиш, шунингдек Si ва $CoSi_2$ плёнкалари учун олинган натижаларни, бошқа муаллифларнинг маълумотларига таққослаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Илмий аҳамияти: тадқиқот натижалари тоза кремний монокристали валент электронлари ҳолатининг зичлиги ва ўтказувчанлик турига боғлиқлигини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Pd_2Si, $BaSi_2$ каби наноўлчамли тизимлар олиш учун ишлаб чиқилган усуллар турли хил МОЯ, МДЯ ва ЯДЯ тизимларида, қаттиқ жисмли электрон қурилмалар

учун контактли ва тўсиқли қатламларда, шу жумладан қуёш энергетикасида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нанокристаллар, сиртдаги наноплёнкалар ва кичик энергияли ионлар билан имлантация қилинган Si монокристалл пленкаларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари ва физик механизмларини ўрганиш натижаларига кўра:

силицид металл наноструктураларини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (№ IAP 04874 - 2014). Натижа, кремний сиртида ҳосил қилинган силицид плёнкаларининг қалинлиги, кристалл тузилиши ва панжара доимийларини аниқлаш имконини беради;

Наноўлчамли металл силицид плёнкаларининг зона параметрларини аниқлашда олинган натижалар Ф-2-31 рақамли “Наноўлчамли металлар силицид плёнкаларни структураси ва физик хоссаларини ўрганиш ва термосезгир структуралар ҳосил қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада қўлланилди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрда берилган 89-03-4333-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш силицид плёнкаларнинг электрон тузилиши ва зона параметрларини ўлчаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 51 та расм, 8 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзаблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Кремний асосидаги наноструктураларнинг таркиби, тузилиши ва физик хусусиятлари» номли биринчи бобда Si асосида чанглатиш, термодиффузия ва ион имплантация усулларида ҳосил қилинган истиқболли наноструктураларнинг олиниши ва хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг асосий мазмуни таҳлил қилинган.

Молекуляр нурли эпитаксия усулига асосланган берилган хусусиятли наноструктуралар шаклланиш жараёнини бошқариш замонавий нанотехнологияларнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Электр майдонда сиртдан атомлар диффузиясини тавсифлаш учун бир қанча омилларни эътиборга олиш зарур. Биринчидан, сирт бўйлаб ўтказувчанликка таъсир қилувчи локаллашган электрон ҳолатлар (Тамм ҳолати) пайдо бўлади. Иккинчидан, адсорбцияланган зарралар диффузиясини белгилайдиган юқори структурали реконструкциялар мавжуд. Учинчидан, адсорбцияланган атомларнинг манбаи ва чўкмаси бўлган атом поғоналарининг мавжудлиги фақатгина адсорбцияланган атомлар концентрациясини ўзгартирибгина қолмай, балки эпитаксиал ўстириш ёки юқори ҳароратли қиздириш жараёнида ўзлари кўчиб ўтади.


Тадқиқотларнинг қисқача таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда ион имплантация усулида олинган Si эпиплёнкаси шаклланиши, таркиби, сирт топографияси ва наноўлчамли фаза тузилиши, кремний сиртида ҳосил қилинган оролчали наноплёнкалар хусусияти ва таркиби, кремний асосида кўпкомпонентли наноструктураларнинг тузилиши, электрон ва оптик хусусиятлари яхши ўрганилган.

Аммо, ҳозирги вақтга қадар Si сирти электрон тузилишининг унинг ўтказувчанлик турига ва кристаллографик йўналишига боғлиқлиги кам ўрганилган, кремнийда Pd ва Ba термодиффузияси вақтида палладий ва барий силицидларини шаклланиш қонуниятлари ўрганилмаган, квант ўлчамли эффектлар ҳосил бўладиган силицид наноструктураларнинг критик ўлчамлари етарлича ўрганилмаган.

«Экспериментал тадқиқотлар усули» номли иккинчи бобда материалларнинг таркиби, тузилиши, электрон ва оптик хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари ва ион имплантация, чанглатиш ва термодиффизия усулларининг қурилмалари келтирилди. Тадқиқотлар иккиламчи электронлар эмиссияси (ИЭЭ) ва фотоэлектронларнинг квант чиқиши коэффицентларининг энергия бўйича боғланиши, Оже-электронлар спектроскопияси (ОЭС), электронларнинг характерли энергиясини йўқотиш спектроскопияси (ЭХЭЙС), эластик қайтган секин электронлар спектроскопияси (ЭҚСЭС), ультрабинафша фотоэлектронлар спектроскопияси (УФЭС), шунингдек растрли электрон микроскопия (РЭМ), ва тез электронлар дифракцияси (ТЭД) каби усуллар ёрдамида олиб борилди.


«Юқори вакуум шароитида актив металлар билан чанглатилган Si сиртида ҳосил қилинган наноплёнкаларнинг электрон ва оптик хусусиятлари» номли учинчи бобда юқори вакуум ва кислород атмосферасида металл атомларини адсорбцияланган Si монокристалларининг таркибини ўзгартириш морфологияси, электрон ва кристалл тузилиши, эмиссия ва оптик хусусиятлари бўйича барча тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бир қаторда Si да Ba ва Pd нинг термо диффузия вақтида наноўлчамли силицид қатламларининг пайдо бўлишининг қонуниятлари тадқиқ қилинган. 1-расмда яхши тозаланган n- ва p-типидаги

Si(111) намуналари учун фотоэлектрон спектрлар тасвирланган. Абцисса ўқига электронларнинг боғланиш энергияси жойлаштирилган (энергия соф Pd нинг Ферми сатҳларида ҳисобланади). 1-расмдан кўриниб турибдики, бу эгри чизиқлар аниқ тузилишга эга. Улар тахминан валент зона электронларининг зичлик ҳолати тақсимотини акс эттиради. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли хил чегараларнинг эгри тузилиши ҳам бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади, аммо улар электрон энергиясининг яқин қийматларида кузатиладиган бир қатор хусусиятларга эга. Шу сабабли, ҳар хил чегаралар учун валент электронларнинг энергия ҳолати зичлигининг баъзи максимал қийматлари тахминан мос келишини тахмин қилишимиз мумкин. Биз ўрганган барча намуналар юзасида металл ва газ атомларининг адсорбцияланиши фотоэлектронларнинг ЭЭТ (эгрилик энергия тақсимоти)ида кескин ўзгариш-ларга олиб келади.



1-расм. Si(111) монокристаллар учун электронларнинг нормаллашган энергия бўйича тақсимоти:
1 - n-тип; 2 - p-тип

2-расмда hν=10,2 эВ энергияли уйғонган квантларда олинган турли қалинликдаги Ba плёнкаси билан қопланган Si(111) учун ФЭС кўрсатилган. Аниқлик учун, эгри чизиқлар вертикал равишда силжиган. Кичик қалинликдаги барий қопламаларининг (θ=0.5-0.6), кремнийдан асосан электронлар чиқарилганда, ЭЭТда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: ўсиб бориши билан сирт ҳолатларидан келиб чиқадиган хусусиятлар янада аниқроқ ажралиб туради; спектрнинг бошланиши ва валент зонадаги электронларнинг зичлиги максимум чўққилари паст энергиялар томон силжийди; $E_{боғ}$=-6 эВ соҳада Si (s-ҳолатлардан электрон чиқиши)да янги чўққига ҳосил бўлади, ЭЭТ кенглиги ошади ва фотоэлектронларнинг квант чиқиши ошади. ЭЭТнинг кичик энергияли ҳолатининг ўзгариши, φ пасайишига тўғри келади ва A чўққисидаги силжиш зоналарнинг эгилиши ўзгаришига тенгдир. p-типли Si сиртида Ba адсорбцияси




2-расм. θ қалинликдаги барий плёнкали кремнийнинг ФЭС, моноқатлам:
1 - 0; 2 - 0,2; 3 - 0,4; 4 - 0,7; 5 - 1; 6 - 2. hν = 10,2 эВ


эгрилик зонасини ортишига олиб келади, яъни бу ҳолат юзада донорлар даражасининг ортиши билан боғлиқ. Y нинг ўсиши асосан чиқиш ишининг камайиши ва эгрилик зоналарнинг ортиши билан боғлиқ. Барий қатлами қалинлигининг янада ортиши билан (2-расм, 4-6-эгри чизиқлар) Si га хос бўлган чўққиларнинг интенсивлиги монотон равишда пасаяди ва қуйма барийдан чиқишга мос келадиган структура шакллана бошлайди.

3-расмда тоза кремний ва қалинлиги ~400 Å бўлган $BaSi_2$ ва Pd_2Si плёнкаларининг оже-электрон спектрлари тасвирланган. Бунда силицид плёнкаларининг спектрлари кремний спектрларидан сезиларли даражада фарқ қилишини кўриш мумкин. Хусусан, $BaSi_2$ ва Pd_2Si силицидлари ҳосил бўлганда $L_{2,3}VV$ Si чўққиси нафақат интенсивликда, балки ҳолати ва шакли ҳам сезиларли даражада ўзгаради. Ушбу ўзгаришларга асосланиб, биз кимёвий боғланишларнинг шаклланишини ва ҳосил бўлган бирикмалар турларини баҳоладик.

4-расмда $BaSi_2$ ва Pd_2Si ҳосил бўлиши вақтида кремнийнинг ЭҚЭ (эластик қайтган электронлар) L_{23} чўққиси ҳолатларининг ўзгариши тасвирланган. Кўриш мумкинки, $BaSi_2$ да L_{23} кремний чўққисининг ҳолати 3-4 эВ га, Pd_2Si ҳолатида эса чўққиларнинг силжиши атиги 0,5-1 эВга тенг. Ме ва Si ўртасидаги боғланиш ион-ковалент характерни ҳосил қилади: Ba-Si ҳолатида, ионларнинг боғланиш даражаси Pd-Si га қараганда каттароқдир. Иккала ҳолатда ҳам L_{23} кремний чизиғи пастроқ энергия томон силжийди. Бунинг сабаби, металл силицидлари ҳосил бўлиши вақтида электронлар металл атомларидан Si атомларига ўтиши, бу эса кремний электронларининг боғланиш энергиясининг камайишига олиб келади.



3-расм. Si, $BaSi_2$ плёнкаси ва Pd_2Si силицид плёнкаларининг Оже спектрлари




4-расм. Металл силицидлардаги L_{23} кремний линиясининг ЭҚЭ спектрлари

Полинг формуласи бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, $BaSi_2$ ҳолатида боғланишнинг ионланиш даражаси 25-30%, Pd_2Ba да эса ~10% бўлади.


Ишда шунингдек бошқариб бўлмайдиган киришмаларнинг таркиби, уларнинг кимёвий ҳолати ва Al-Si тизимининг чегарасида профилли тақсимоти ҳам ўрганилган. 5-расмда Al-Si контакти чегарасида Al, Si ва O атомларининг профиллари тақсимланиши тасвирлаган. Асосий элементлар (Al ва Si) атомларининг ўзаро диффузияланиши натижасида чегарада қалинлиги ~150-200 нм бўлган ўтиш қатлами ҳосил бўлганлиги кўриниб турибди. O атомларининг бўлиниш чегарасида тақсимланиш концентрацияси максимал қийматга эришади ва 10-12 % атрофида бўлади.

ИИМС ва ОЭС ёрдамида ўтказилган тадқиқот Al-Si контакт соҳасида киришма элементларнинг профилли тақсимланиши, уларнинг металл-яримўтказгичли контакти чегарасида концентрацияси кескин ошишини кўрсатди.



5-расм. Al-Si тизими учун Al (1396 эВ) va Si (1619 эВ) Оже-чўққиларининг интенсивлигига боғлиқлиги. Алюминийнинг қалинлиги ~1 μm.

Тўртинчи бобда **“Кичик энергияли ионларни (E_0=0.5-5 кэВ) имплантация қилиш натижасида олинган металл силицид наноструктураларининг таркиби, тузилиши ва физик хусусиятлари**” ўрганилди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, мукаммал нанокристалл фазаларининг шаклланиши матрица сиртининг силлиқлиги ва тозалиги даражасига боғлиқ. Биринчи ҳолда, Si юзаси T = 1100 °C гача қиздирилиб тозаланган. 6-расм (а ва б)ларда Si(111) плёнкасининг D = 10^{15} $см^{-2}$ дозада E_0= 1 кэВ бўлган Co^+ ионлари билан имплантация қилинган РЭМ тасвирлари кўрсатилган.




6-расм. Si(111) плёнкасининг E_0=1 кэВ энергияли D=10^{15} $см^{-2}$ нурланиш дозасида Co ионлари билан имплантация қилинган РЭМ тасвирлари: а - фақат юқори ҳароратли қиздириш билан тозаланган Si сирти; б - қиздириш орқали ионли емириш билан тозаланган Si сирт юзаси.

Иккинчи ҳолда, тоза Si сиртини 600 эВ энергияли аргон ионлари билан емириш, сўнгра T=700–800 °C ҳароратда узоқ муддатли қиздириш ва T=1200 °C гача қисқа муддатли қиздириш билан эришилди. Имплантация вақтида диаметри d=1 мм бўлган нур дастаси юзага тушган ва РЭМ тасвир ион имплантация қилинган майдоннинг марказидан d~10 мкм ўлчамга эга бўлди. 6-расмдан кўриниб турибдики, тартибланган силицидли нанокристаллар фақат яхши тозаланган кремний юзасида ҳосил бўлади. Ушбу нанокристалларнинг диаметри 10-20 нм.

Маълумки, кичик энергия соҳасида σ ва R коэффициентларининг энергия билан боғлиқлиги (E_p=1-30 эВ) турли табиатли материаллар сиртининг электрон тузилиши (плазма тебранишлари ва бир заррали қўзғалишлар энергиялари) ҳақида маълумот беради ва сирт таркиби ва тузилишидаги ўзгаришларга жуда сезгир.

$\sigma(E_p)$, $R(E_p)$ эгри чизиқларининг юпқа структурасидаги ўзгариш ва бу коэффициентлар қийматининг ошиши Si монокристалларини кислород ва бор ионлари билан легирлаганда аниқ намоён бўлади (7-расм).

Масалан, $R(E_p)$ эгри чизиғининг асосий максимумининг ҳолати барий ионларини имплантациялашда қуйи энергияларга, O_2^+ ионларини имплантацияси пайтида эса юқори E_p томон силжийди. O_2^+ бўлганда, R_m қиймати ~0,6 га етади.




7-расм. E_p нинг σ, R га боғлиқлиги: тоза кремний (1, 1′); Ba^+ (2, 2′) ва O_2^+ (3, 3′) ионлари билан легирланган.

Чиқиш ишига келсак, O_2^+ ионлари билан легирлангандан кейин унинг қиймати бироз ошади ($\Delta e\varphi \approx 0{,}5$-1 эВ), барий билан легирланганда у 2 эВ гача пасаяди. Шундай қилиб, ионларнинг катта дозада имплантация қилиш валент электронлар ҳолатининг зичлиги ва Si диапозонлари параметрларининг

сезиларли ўзгаришига олиб келади, натижада бирламчи электронларнинг қаттиқ жисм билан эластик ва ноэластик таъсир ўтказиш жараёнлари ва иккиламчи электронларни вакуумга чиқариш шартлари сезиларли даражада ўзгаради.

8-расмда $D=D_H=6\cdot10^{16}$ см$^{-2}$ да E_0=0,5 кэВ энергияли Ba^+ ионлари билан имплантация қилинган Si(111) учун қиздиришдан олдин ва кейин олинган фотоэлектрон спектрлари кўрсатилган. 1-эгри чизиқ шуни кўрсатадики, ион имплантация қилинган Si спектрида Ba + Si бирикмасига ва эркин (ортиқча) Ba ва Si атомларига хос хусусиятлар мавжуд. T=1100 К гача қиздирилгандан сўнг, Ba ва Si эркин атомларининг концентрацияси нолга камаяди ва қалинлиги ~25-30 Å бўлган доимий $BaSi_2$ монокристалл наноплёнкаси ҳосил бўлади. T=1400 К да қиздирилгандан сўнг, $BaSi_2$ плёнкаси бутунлай буғланади ва тоза Si(111) спектр тузилиши тўлиқ тикланади.



8-расм. Қиздиришдан кейинги D = $6\cdot10^{16}$ см^2 дозали E= 0,5 кэВ энергияли Ba^+ ионлари билан имплантация қилинган кремнийнинг фотоэлектрон спектрлари, T, К: 1-300 (қиздиришсиз), 2-1100, 3-1400.


10^{14}-10^{15} см$^{-2}$ оралиғида ионлар миқдорини ўзгартириб, имплантациядан кейинги қиздиришни амалга оширган ҳолда, металл силицидларнинг алоҳида нанокристалл фазалари олинган. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, d≈15-20 нм ва h=3-4 нм бўлган нанокристалл фазали силицидларнинг E_g си ҳудди шундай наноплёнканинг E_g сидан 1,5 баравар катта. Кўринишидан, кичик ўлчамларида нанокристалларда квант ўлчамдаги эффектлар намоён бўлади.

1-жадвал.

Қиздириш билан ион имплантация қилинган кремний сиртида ҳосил қилинган силицид нанофазалар ва наноплёнкалар ўлчамларининг энергетик зона параметрларига боғлиқлиги

Силицид	d, нм	b, нм	h, нм	E_g, эВ	E_V, эВ	$\varkappa$, эВ
$CoSi_2$	15-20	50-60	3-4	0,92	5,4	4,5
	25-30	50-60	3-4	0,8	4,8	4
			3	0,6	-	-
	Яхлит плёнка		100	0,5	4,5	4
$NaSi_2$	15-20		3,5-4	0,7		3,5
	30-40					
	Яхлит плёнка		4-5	0,7	4,2	3,5
$BaSi_2$	20-25		4-4,5	0,7	4,1	3,4
	30-40					
	Яхлит плёнка		3-4	0,6	4	3,4

9-расмда 0,5 кэВ энергияли Ba^+ ионлари билан легирланган кремний намунасида асосий (Si, Ba) ва киришма (O) атомларининг ҳаво билан контактдан кейин чуқурлик бўйича тақсимланиши тасвирланган. Расмдан кўриниб турибдики, кислород атомларининг тақсимланиш графиги монотон равишда камаювчи эгри чизиқдан иборат: сиртдаги концентрация 25-28 ат. % ва 30-35 Å чуқурликда, атиги ~ 1–2% ни ташкил этади. Буни, эҳтимол, қуйидагича изоҳлаш мумкин. Имплантация энергиясидан қатъи назар, ионли легирланган намуналар ҳавода сақланганда, уларнинг сиртида камида 3-5 моноқатлам киришма атомлари бир қаватли қатламлари адсорбцияланади. Диффузия сабабли ушбу атомларнинг баъзилари намунага чуқур кириб бориши мумкин. Кичик энергияли имплантацияда, легирланган ионлар асосан сиртости қатламларида локаллашади ва уларнинг зичлигини оширади, бу эса намуна ичига кирадиган атомларнинг диффузияланиш интенсивлигини кескин камайтиради. Ушбу тизимни T~1000 K ҳароратда қисқа муддатли



9-расм. Асосий (Si, Ba) ва киришма (O) атомларининг E_0 = 0,5 кэВ энергияли Ba^+ легирланган ионларини кремний намунаси чуқурлиги бўйича тақсимланиши.

қиздирилиши, 10-15 Å қалинликдаги сиртда O атомлари концентрациясининг кескин камайишига (1-2% гача) олиб келди.


2-жадвалда T=900 K ҳароратда қиздиришдан олдин ва ундан кейин E_0=1 кэВ энергияли, тўйинганлик дозаси $D = 6 \cdot 10^{16}$ $см^{-2}$ бўлган O^+ ионлари билан имплантация қилинган соф Si плёнкаси ва Si учун нур қайтариш коэффициенти *R* қийматлари келтирилган. Ионли легирланган қатламнинг қалинлиги атиги 50-100 Å бўлса ҳам, ион имплантациядан сўнг нур қайтариш коэффициенти кескин камайганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал.

Si ва SiO_2 юзаси учун ёруғлик қайтариш коэффициенти R қийматлари

Пленка	Плёнка қалинлиги, нм	R, %		
		λ=400 нм	λ=600 нм	λ=800 нм
Si(111)	3000	55	38	35
$O_2^+ \rightarrow$Si(111) E_0=1 кэВ, $D=6 \cdot 10^{16}$ $см^{-2}$	5-10	22	15	15
SiO_2/Si(111)	5	40	25	28

Si(111) сиртини микрофотографияси шуни кўрсатадики, қалинлиги θ≈200 Å бўлган палладий сирт плёнкаси нотекис уч ўлчовли кичик қиррали ороллар шаклида ўсиб боради (10-расм). Рентген нурли электрон микроскоп ёрдамида аниқланганда нотекисликнинг баландлиги ~50-100 Å ни ташкил этади. Бунда дифракцион тасвирда аморф материалларга хос бўлган катта оқ нуқта кузатилади (10-расм, а қўшимча расм). T=1200 K ҳароратда қиздирилгандан сўнг (10-расм, б) сирт морфологияси ва Pd_2Si монокристалл плёнкалар шаклланишида сезиларли ўсиш мавжуд.



а) б)

10-расм. Pd-Si(111) сиртининг микрофотографияси. θ = 200 Å; T = 1200 K ҳароратда иситишдан олдин (а) ва ундан кейин (б)

3-жадвалдан кўриниб турибдики, металл силицидларнинг шаклланиши барча ҳолатларда тармоқли бўшлиқнинг кескин торайиши ва электрон яқинлигининг пасайиши, шунингдек панжара тури ва параметрларининг ўзгариши билан бирга келади. Ушбу плёнкаларнинг барчаси силицидга нисбатан гетероструктурадир. Бундан ташқари, ушбу силицидларнинг тақиқланган зонаси бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Шу билан бирга, $BaSi_2$ ҳолати Ферми сатҳи валент зонаси яқинида, Pd_2Si ҳолати эса, ўтказувчанлик зонасининг пастки қисмида жойлашган.

3-жадвал.

Силицидлар учун энергия зоналари ва кристалл панжараларининг параметрлари

Тадқиқот объекти	Зона параметрлари, эВ				Панжара тури	Панжара тури, Å
	E_V	E_F	E_g	χ		
Si(111), n-тип	5.1	4.2	1.1	4.0	Кубик	a=5,41
$BaSi_2$	4.0	3.9	0.7	3.3	кубик	a=6,20
Pd_2Si	4.1	3.9	0.3	3.8	гексогональ	a=6,50 c=3,45

Фото- ва эластиклик қайтган электронлар эгри чизиқдаги юпқа структуралари тузилишини таҳлил қилиш асосида ўрганилаётган материаллар юзасининг сифатли энергия диаграммасини тузиш мумкин. Ўтказувчанилик зонасида иккита чўққи мавжуд. Pd силицид учун бундай диаграмма биринчи марта олинган.

4-жадвалда $CoSi_2$/Si(111) наноплёнкалар ва нанокристаллар учун УБЭС усулида олинган спектрларини таҳлил қилиш натижасида олинган энергия зоналари параметрлари кўрсатилган.

4-жадвал шуни кўрсатадики, плёнка қалинлиги 100 дан 30 нм га камайиши билан таъқиқланган зона қалинлиги ~0,1 эВ га ошади. Нанокристаллар мисолида наноматериаллар физик хусусиятларининг унинг ўлчамларига боғлиқлиги кузатилган. Хусусан, наноплёкалардан нанокристалларга ўтишда таъқиқланган зона 0.3 – 0.4 эВ га ошади.

4-жадвал.

$CoSi_2$/Si нанокристаллари ва наноплёнкалар учун энергетик зоналар параметрлари

Пленка	Ф, эВ	E_g, эВ	χ, эВ
НК $CoSi_2$ (d = 25 нм, h = 3–4 нм)	5,4	0,9	4,5
$CoSi_2$ (h = 1000 Å)	4,5	0,5	4,0
$CoSi_2$ (h = 30 Å)	3,6	0,6	3,0

ХУЛОСА

Si сиртида юқори вакуумли чанглатиш ва ион имплантация усуллари ёрдамида яратилган наноструктураларнинг электрон ва оптик хусусиятларини экспериментал тадқиқотлари асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Тоза Si монокристали валент электронларининг зичлик ҳолати уларнинг кристаллографик йўналишига ва ўтказувчанлик турига боғлиқлиги аниқланди. Турли чегаралар учун электрон ҳолатлар зичлигининг баъзи бир максимумлар ҳолати тахминан бир-бирига тўғри келишини кўрсатди, аммо уларнинг шакли ва интенсивлиги кескин фарқ қилади.

2. Барий ва кислород атомларининг адсорбциясининг Si эгилиш зонаси ва эмиссия хусусиятларига таъсири аниқланди. Хусусан, Ba p-типидаги Si юзасига чанглатилганда, юзадаги донор сатҳлар концентрациясининг ортиши натижасида зонанинг эгилиши ортади. Шу сабабли барийни $\theta \leq 1$ билан ўтқазиш вақтида σ_m ва γ нинг ўсиши асосан еφ нинг пасайиши ва зоналар эгилишининг ортиши билан боғлиқ. $\theta \leq 1$ билан O_2 нинг Si сиртига адсорбциясида, зоналарнинг эгилиши тўғриланади. Кислород электрон қабул қилувчи деб тахмин қилиш мумкин. $\theta=1$ да кислород зоналар эгилишини тўлиқ текислайди ва тақиқланган ва валентли зоналардан сиртий электрон ҳолатини йўқотади.

3. Si га термодиффузия қилинган Pd ва Ba натижасида ҳосил бўлган Pd_2Si ва $BaSi_2$ плёнкалари шаклланишининг асосий қонуниятлари ўрнатилди. Хона ҳароратида ҳам Pd_3Si ва Pd_2Si аралашмалари Pd-Si чегарасида ҳосил бўлиши кўрсатилди. Si даги Pd_2Si, Pd_3Si орқали Pd нинг интенсив диффузияси $T \approx 700$ К дан бошланади. $T \approx 1050$-1100 К да яхлит, бир хил Pd_2Si плёнкаси ҳосил бўлади. Ba-Si тизимида $BaSi_2$ типидаги плёнка $T \approx 1100$ К да Ba нинг Si га ва Si нинг Ba га ўзаро диффузияси туфайли вужудга келади. Pd_2Si плёнкаси гексогонал панжарага эга ва Pd ва Si атомларида асосан ковалент боғланиш ҳосил бўлганлиги кўрсатилди. $BaSi_2$ плёнкаси кубик панжарали ва Ba атоми ва Si ўртасидаги боғланиш ион-ковалентдир (боғланишнинг ионлик даражаси ~25-30%). Валент зонаси электрон ҳолатларининг зичлиги, энергетик зона параметрлари ва силицид плёнкаларининг плазмон тебранишлари энергиясининг қийматлари аниқланди.

4. Металл силицидлардаги квант ўлчамли эффектлар плёнкаларда ≤25-30 Å қалинликда, нанокристалларда эса сиртда ≈25-30 нм ўлчамдаги ≤35-30 Å қалинликда пайдо бўлиши аниқланди. Бунинг натижасида N_S/N_V нисбат 0.10-0.15 га тенг эканлиги кўрсатилган. $NaSi_2$, $BaSi_2$, $CoSi_2$ нанокристалин фазалари ўлчамларининг нурни ютиш коэффициенти қийматига, силициднинг тақиқланган зоналари кенглигига таъсири ўрганилди.

5. Si га фаол металл ионларини паст дозаларда ($D \leq 5 \cdot 10^{15}$ см$^{-2}$) қиздириш билан биргаликда имплантация қилиш вақтида сиртда, алоҳида нанокристалл фазалар ҳосил бўлиши, юқори дозаларда ($D > 10^{16}$ см$^{-2}$) $MeSi_2$

типидаги эпитаксиал наноплёнкалар ҳосил бўлиши кўрсатилди. Нанокристалл фазаларининг таъқиқланган зонаси кенглиги ўлчами ~25-30 нм ва 0,8-0,9 эВ, плёнкада эса ~0.5-0.6 эВ ни ташкил этади.

6. $MeSi_2$ нинг тўлиқ кристалланиш ҳарорати билан энергия ва нурланиш дозаси ўртасида боғлиқлик ўрнатилди. E_0=1 кэВ билан Si га Co^+ ионларини имплантация қилишда $D=5\cdot10^{14}$ $см^{-2}$ дозада $T_к$ нинг қиймати ~850–900 К, $D=5\cdot10^{15}$ $см^{-2}$ дозада эса 1200 К ни ташкил қилади.

7. Энергия зоналарининг оптик хусусиятлари ва параметрларининг силицид нанофазалари ва плёнкалари ҳажмига боғлиқлиги аниқланди. Хусусан, hν=0.8 эВ да ~20 нм катталикдаги нанокристаллар иштирокида Si ёруғликнинг ютилиш интенсивлиги 30 % га, 30 нм да 65 % га, $CoSi_2$ яхлит плёнкаси эса 95-98 % гача камайиши кўрсатилди.

8. Si ни ион бомбардимон қилинганида киришма атомларнинг чуқурлик бўйича профилли тақсимланиши кескин ўзгариши аниқланди. Бундан ташқари, Si нинг кучли легирланган соҳасида киришма атомларнинг (масалан, O) концентрацияси кескин камайди ва $MeSi_2$-Si чегарасида эса ошди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОЛТАЕВ ХУРШИД ХАМИДОВИЧ

ЭЛЕКТРОННЫЕ И ОПТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НАНОСТРУКТУР, СОЗДАННЫХ НА ПОВЕРХНОСТИ Si МЕТОДАМИ ВЫСОКО ВАКУУМНОГО НАПЫЛЕНИЯ И ИОННОЙ ИМПЛАНТАЦИИ

01.04.04 – Физическая электроника

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

город Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/FM243.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете им.И.Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.iplt.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Ташмухамедова Дилноза Артикбаевна,** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Исаханов Зинабиддин Абилпейзович** доктор физико-математических наук
	Рахманов Ганибой Тоджиевич кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится « 28 » 05 2021 г. в 16^{00} часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 по присуждению ученых степеней при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий АН РУз (адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (99871) 262–32–54, e-mail: info@iplt.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № 6). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.: (99871) 262–31–69).

Автореферат диссертации разослан « 12 » 05 2021 года.

(Реестр протокола рассылки 6 от « 12 » 05 2021 года).

Х.Б.Ашуров
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

И.Д.Ядгаров
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., с.н.с.

Б.Е.Умирзаков,
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время интенсивно изучаются свойства наноразмерных структур на поверхности полупроводниковых и диэлектрических пленок. В наноразмерном диапазоне уменьшение размеров нанокристаллов может привести к заметному изменению их электронной и кристаллической структуры. В частности, ширина запрещенной зоны кремниевых квантовых точек вдвое превышает ширину запрещенной зоны кристаллического кремния. Определение взаимосвязи между изменениями этих параметров имеет научный и практический интерес. Одним из перспективных методов создания нанокристаллов и нанопленок является низкоэнергетическая ионная имплантация. В этом аспекте получение наноразмерных структур на основе кремния различными методами и изучение их состава, электронной и кристаллической структуры, электрических и оптических свойств является актуальной проблемой современной физической электроники.

В последнее время в Республике Узбекистан активно проводятся научно-исследовательские работы по актуальным проблемам физической электроники и физики поверхности, связанные с получением наноразмерных структур необходимых для разработки приборов микро- и наноэлектроники. Проведены всесторонние исследования изменения свойств поли- и монокристаллов Si при имплантации ионов активных металлов. Исследованы также закономерности и физические механизмы формирования наноразмерных слоев силицидов при термодиффузии Ba и Pd в Si.

Данная диссертационная работа в определенной степени соответствует задачам, предусмотренным Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года[1].

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постанавлении Ресбулики Узбекистан №ПП-1442 «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011 - 2015 годах» от 15 декабря 2015 года, №УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года, №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и №ПП-4422 «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии» от 22 августа 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в Республике за последние годы данной сферы.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационная работа выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан– III. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. Над проблемой создания наноструктур с заданными физическими свойствами занимаются ведущие ученые мира. Ученые из США W.Theis и R.M.Tromp исследовали топографию поверхности Si(001) во время гомоэпитаксиального роста при 650 °C и определили профиль плотности зародышеобразования на вершине «базового» островка. Российские ученые Ситников С.В. и др., исследовали процессы зарождения двумерных островков на ультраплоской поверхности Si(111), А.М.Мизеров и др., экспериментально установили оптимальные начальные условия эпитаксии GaN на подложках Si(111).

Японские ученые K.Nakagawa, M.Miyao и Y.Shiraki исследовали зависимость ориентации подложки от поверхностной сегрегации атомов сурьмы и галлия при кремниевой молекулярно-лучевой эпитаксии (МЛЭ). Во время роста атомы легирующей примеси лишь частично включаются в растущий слой, а остатки разделяются на поверхностях, выращенных с использованием МЛЭ. Энергии активации для сурьмы и галлия составляют 0,75 эВ и 0,45 эВ соответственно. Коэффициенты включения на Si(111) примерно в десять раз больше, чем Si(100) для обоих атомов легирующей примеси, хотя они имеют одинаковую энергию активации. Эти результаты хорошо объясняются моделью, основанной на поверхностной миграции.

